



2-бет

3-бет

4-5-бетлар

7-бет



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 204 (10.007)

2003 ЙИЛ 21 ОКТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **БУГУН** Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида ўтказилган тадбир «Университет — менинг тақдиримда» деб номланди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат техника университетида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кунга бағишлаб «Мустақил Ўзбекистонда тил сиёсати, ўзбек тили равнақи» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида тил байрамига бағишлаб «Она тилим — жону дилим» мавзuida илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.


● **«БУНЁДКОР»** Ёшлар телеклубида «Икки палатали парламент — давр талаби» мавзuida ўтказилган семинар-тренинг «Камолот» ЁИХнинг Юнусобод туман бўлими ҳамда Тошкент Давлат юридик институти талабалари ҳамкорлигида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Шаҳримиздаги самарали фаолият юритаётган «ТЭКиК» корхонаси бугунги кунда 20 дан ортик маҳсулотлари билан ички бозоримизни тўлдириб, харидорлар эътиборини қозонмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг талабачан, ёш фрезерчиси Олимжон Мирзаев ўзи ясаётган детални ҳар жиҳатдан сифатли тайёрлашга ҳаракат қилади.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИНДИСТОН КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси Ҳиндистоннинг «SAVERS-IMPEX» компанияси билан биргаликда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Экспортни ривожлантириш кенгаши ҳамда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмағида ташкил этган «SAVERS MINITECH International ExpoTashkent-2003» кўرғазма-савдоси бўлиб ўтди.

Унда Ҳиндистоннинг тўқимачилик, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, матбаа ва қадоклаш буюмлари sanoати учун ускуналар ишлаб чиқарувчи 35 та йирик компанияси иштирок этди.

Кўрғазма қатнашчиларига қулайлик яратиш учун «Ўзбеклизинг Интернешнл», «Ўзқиш-

лоқмашлизинг», «Бизнес-фонд», «Барака лизинг» каби республиканинг йирик ташкилотлари шартномалар тузиш ҳамда ускуналар ва технологиялар харид қилишда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда маслаҳат хизматлари кўрсатишни ташкил этди.

Кўрғазма-савдонинг муваффақиятини шундан ҳам кўриш

мумкинки, қисқа муддатда ўтказилишига қарамай унга республиканинг барча ҳудудларидан турли ташкилотларнинг 2000 дан ортик вакили таширф буюрди. Кўрғазмага қўйилган барча ускуналар сотилди, Ҳиндистон компанияларининг умумий қиймати 800 минг АҚШ долларига тенг 300 турдаги ускуна ва технологияларини сотиб олиш ҳақида англашув баённомалари имзоланди.

Бундай халқаро кўрғазмаларнинг ўтказилиши тадбиркорликни ривожлантириш ва ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг чет эл бозорларида сотилиши, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг янги шаклларини ўзлаштиришга хизмат қилади.

XVI савдоси Хасри Барча малабалардан олганига сўнги хабарлар Мамлакатимизда

● Бухорода «Шохруд», «Бухороёғ», «Бухоротекс», «Бухорон» ва бошқа акционерлик жамиятлари ҳамда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан «Саломатлик» жамғармаси таъсис этилди.

● Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманида 900 талабага мўлжалланган янги иқтисодиёт коллежи фойдаланишга топширилди.

● Андижонда Фарғона водийсида биринчи марта мия ўсмасини олиб ташлаш бўйича мураккаб операция ўтказилди.

● Жалақудуқ тумани пахтакорлари Андижон вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома-режасини бажарди. Давлат хирмониغا 19880 тонна пахта топширилди.

● Навоий вилоятидаги Маликратот қишлоғида янги қишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни «Бекзод-2001» хусусий фирмаси қурувчилари бунёд эттишти.

● Хоразм вилояти Гурлан тумани «Амударё» ширкт хўжалиги аҳолиси бу илғи иситиш мавсуми арафасида ажойиб совға олди. Энди улар уйларида табиий газдан узлуксиз фойдалана олишади.

● Нурота туманидаги Ф.Хўжаев номидаги ширкт хўжалигида республика қоракўнчаларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● ВВС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироқ бўйича резолюция қабул қилган. Ушбу резолюция БМТ қатнашчилари бўлган мамлакатларни ўз харбий кучларини Ироққа юбориш ва мамлакатни тиклашда молиявий ёрдам беришга чақирди.

● Брюсселда бўлиб ўтган Европа Иттифоқи мамлакатлари саммити қатнашчилари Жан-Клод Тришенинг Европа Марказий банки президентлигига тайинланишини яқдиллик билан тасдиқладилар. Трише ўз вазифасини бажаришга шу йилнинг 1 ноябридан бошлаб киришади.

● «Рейтер» ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, Австралия туғун кун Тўтовсиз ишлайдиган Террорчилик хатарларининг олдини олиш бўйича миллий марказ фаолиятини йўлга қўйди. Бўлажак хатарлар тўғрисидаги хабарларни эса мамлакатнинг 70 та махсус хизматлари жамлайди.

ЯПОНИЯДА МАЛАКА ОШИРИШДИ

Мамлакатимизнинг ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизимидаги бир гуруҳ ўқитувчилар «Ўрта махсус, касб-хўнар таълимини ривожлантириш» лойиҳасига биноан Японияда малака ошириб қайтди.

2001 йилнинг 31 январида Япония Халқаро ҳамкорлик банки - JBIC Ўзбекистон ҳукумати-га таълим соҳасини ривожлантириш учун кредит ажратган эди. Мазкур кредит асосида JBIC ҳамда Осие таракқиёт банки томонидан ҳамкорликда молиялаштирилган ушбу лойиҳа қишлоқ хўжалиги соҳасига йўналтирилган касб-хўнар коллежлари ва академик лицейлар учун замонавий техника, лаборатория ва компьютер жиҳозлари етказиб бериш, дарслик ва ўқув материаллари нашр этиш ҳамда техник ҳамкорликни қамраб олган.

Қишлоқ хўжалигига оид касб-хўнар коллежларига жиҳозларнинг келтирилиши асосан етти йўналиш - агрономия, ўсимликшунослик, чорвачилик, ветеринария, қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш соҳаларидан иборат. Шу билан бирга касб-хўнар коллежлари раҳбарлари ва педагоглар Япониянинг Токио шаҳри ҳамда Мизаки префектурасида янги жиҳозларда иш олиб бориш бўйича ҳам малака оширишди.

ЁШ ҚАЛАМКАШЛАР АНЖУМАНИ

Республика ўқувчилар саройида 21 октябрь - «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун муносабати билан ёш қаламкашларнинг аънавий «Нафосат» анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилди.

Анжуманда ёш қаламкашлар яратган бадиий асарлардан намуналар ўқилди. Тадбир доирасида ёш хунарманд ва мусаввирлар тайёрлаган тасвирий санъат асарлари, халқ амалий санъати буюмлари кўрғазмаси намойиш этилди.

ЎЗА

МАКТАБ ЎҚИТУВЧИЛАРИ — ДАРСЛИКЛАР МУАЛЛИФЛАРИ

Бундан 70 йил аввал бу мактабга асос солинган эди. Ўз фаолиятини ёрдамчи ўқув даргоҳи сифатида бошлаган Тошкентдаги 66-мактаб бугунги кунда бутун республикамизда яхши танилган.

Тошкент Давлат педагогика университети дефектология факультетининг базавий мактаби ҳисобланган бу даргоҳда қатор илғор таълимий тажрибалар юзга келди. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш мар-

казий институти ўқитувчиларининг бу ерда олиб бораётган намуналар дарслик ҳам самарали бўлмоқда.

Шуниси ҳам эътиборлики, мактаб ўқитувчиларининг аксариятини изланувчан педагоглар ташкил этади. Хусусан

Мактаб раҳбари Муаллима Хўжаева «Она тили» дарслигининг муаллифи бўлса, илмий бўлим мудир Дилдора Нурматова ўқитувчилар билан ҳамкорликда «Ўқиш китоби» дарслигини яратди. Тажрибали педагог Умида Умарованинг «Тикувчилик механизми» деб номланган дарслиги чоп этилди.

Педагогик жамоа мактаб юбилейини ана шундай яхши кўрсаткичлар билан қутиб олди.

Ақбар АЛИЕВ

Иқтисодиёт

КИШДА ХАМ ЁЗДАГИДЕК

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Она-Нафиса» хусусий фирмасининг бозор талаблари асосида қадоқланган маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.

Диёримизда ёз ва куз ойларида гарқ пишган мева ва сабзавотларни вакуум сублимация технологияси орқали қуритиб, идишларга қадоқланаётган мева-сабзавотларни сувга солсангиз, яна асл ҳолига қайтади ва уни севиб истеъмол қилишингиз табиий.

— Тайёрлаётган маҳсулотимизда, — дейди фирма раҳбари, тadbиркор аёл Нафиса Тошпўлатова — 100 фоиз дармондори ва маъданли ашёлар сақланади. Шу боисдан ҳам уларга бугунги кунда Россия, Қозоғистон, Исроил, Германия сингари мамлакатлардан ҳам харидорлар буюртмалар беришмоқда. Келгусида, албатта маҳсулот турларини кўпайтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни режалаш турибмиз. Бунинг учун цехларимизга янги замонавий ишлаб чиқариш линиясини ўрнатамиз. Маҳсулотлар эса харидор талаби асосида қадоқланади.

Шуниси эътиборлики, цехларга ўрнатилган барча дастгоҳ ва технологияларнинг ижодкори Нафиса опанинг ўзлари. Бу тadbиркор ва ишбилармон аёлнинг саъй-ҳаракатлари эвазига фирма маҳсулотлари ички бозорда ўз ўрнига эга бўлмоқда ва сифати билан харидорни хушнуд этмоқда.

«КАТРИС» МЕБЕЛЛАРИ

Берилган буюртмаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши «Катрис» хусусий фирмаси муваффақиятларини таъминламоқда.

Энг муҳими фирма тadbиркорлари ишбилармонлик билан меҳнатни ташкил этиб, харидор диди ва эҳтиёжига мос мебеллар ишлаб чиқармоқда ҳамда айни вақтда фақат ўз фойдалари ҳисобига ривожланмоқда.

Корхонада ҳар йили буюртма асосида офис ва идора, мактаб, меҳмонхона ва ётоқхона мебелларининг турлари янгилаб борилади. Кейинги йилларда чиқарилаётган шифохоналар учун мебель маҳсулотлари замонавий ва бежиримлиги билан ажралиб туради.

Тadbиркорлар ҳар йили лицей ва коллежлар учун тайёрланадиган мебеллар тендеридеда фаол қатнашиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва сифатини оширишмоқда.

МАЗАСИ ОҒЗИНГИЗДА ҚОЛАДИ

«Камалак», «Баҳор», «Дилором», «Симба», «Синди», «Париж»... Ана шундай чиройли шириндан шириндан шаклар шоколад ва карамелларнинг таъми оғзингизда қолади.

Шахримиздаги «Зебинисона» хусусий фирмасида тайёрланаётган маҳсулотлар тури қисқа вақт ичида 30 хилдан ҳам ортиб кетди. Шу билан бирга янги ускуналар билан бирга жиҳозланган цехлар ташкил этилиб, кўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилмоқда.

Жорий йилда тadbиркорларнинг изланишлари натижасида Россиядан келтирилган янги қадоқлаш линиялари асосида «Барбарис» конфети ва «Батон» маҳсулотлари харидорларга тортиқ этилмоқда.

Дилноза ФИЁСОВА

Иқтисодиётнинг юксалиши, халқ фаровонлигининг ўсиши, давлатнинг қудрати ошишида кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамияти катта эканлигини бугунги кунда ҳамма яхши билади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам бунинг тўла тасдиқлаб турибди. Ҳозирда давлатимиз томонидан тadbиркорликни ривожлантиришга, ишбилармонлик ҳаракатини кенгайтиришга йўналтирилган кўплаб чора-тadbирлар амалга оширилмоқда. Имкониятлар ишга солинмоқда. Яратилган бундай имкониятларнинг самараси ўлароқ, Вольфсон Шарк Интерпрайзис» Ўзбекистон — Швейцария кўшма корхонаси фаолияти тобора ривожланмоқда.

• ИНТИЛАНГА ТОЛЕ ЁР

ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ



Мазкур кўшма корхонанинг бош директори Александр Табаровский иш кўзини билган тadbиркор саналгани боис ҳам бу ерда ички бозоримизда талаб қилинадиган ҳамма турдаги сифатли ностандарт ускуналар ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Юксак унум билан фаолият кўрсатиш учун эса замонавий технологиялар билан тиллаша оладиган малакали, гайратли ишчилар жамоаси жамланган. Маҳсулотлар сифатига қаратилган алоҳида эътибор, турларининг кўпайиши боис, асосийси, нархларнинг нисбатан арзонлиги сабабли буюртмалар ҳам ортиб бормоқда.

Ушбу кўшма корхона 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, мана 11 йилдирки республикада ҳамда унинг ташқирисидан ўз маҳсулотлари билан миқозларини мамнун этмоқда. Ҳозирги кунда бу ерда 60 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Жамоа аҳли ичимликлар ишлаб чиқарадиган корхоналар учун полиэтилен идишлар ясайдиган, уни қуйиб, қопқоқлаш-у, этикеткалар ёпиштиришга чача бўлган барча операцияларни бажарадиган бутун бир линияни тайёрлаб, фойдаланишга топширади.

Жумладан, ишлаб чиқариш цехида меҳнат қилаётган 46 нафар малакали, асосий қисми корхона очилгандан буён фаолият юритаётган гайратли ишчилар қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун (ғишт, шлакоблок ва йўлқулар учун плиткалар) ускуналарни ҳам тайёрлайдилар. Шунингдек, цехда ностандарт дастгоҳ ва ускуналар буюртмачиларнинг чизмалари ёки хоҳиш-истакларига асосан бажарилади.

Шу кунларда ишлаб чиқариш цехида ишлар қизгин. Навоий ва Ғазалкент шаҳрларидан катта буюртмалар олинган, уларга яқинда пойтахтда ўтказилган савдо-ярмақасида шартнома тузилган эди. Бинобарин, корхона жамоаси аънанавий тарзда ўтказиладиган «Минитех» кўргазмасида, республика, пойтахт миқёсида уюштирилаётган ярмарка, савдо-кўргазмаларда фаол қатнашади. Эътиборли томони, корхона маҳсулотлари 6 ой калфолат мuddати билан сотилади ва буюртмачилар билан ҳамкорлик давом эттири-

лади. Пойтахтдаги «Аква» фирмаси мана 3 йилдан ортироқ вақтдан буён кўшма



корхона ускуналаридан фойдаланмоқда. — Ҳозирдаги конструкторлик бюромиз ҳам бор, — дейди цех бошлиғи Виктор Шувалов. — Уни тажрибали, ўз

ишининг устаси Марк Левитас кўп йиллардан бери бошқариб келмоқда. Жамоамиз жуда ахил, иноқ, Бунини ишчиларимизнинг кайфиятларидан ҳам билиш қийин эмас. Бугунги кунда сафимизга ёшлар ҳам келиб қўшилмоқда. Масалан, Игорь Титяевнинг икки ўғли ишчилар сафига келиб қўшилиши.

Корхона ишчилари маошларини ўз вақтида олишади, хизмат автобусида ишга келиб-кетадилар. Байрамларда барча бир оила аъзоларидай катта дастурхон атрофида йиғилади. Яқин кунларда аънава кўра ишчи-хизматчиларга киши рўзғор учун картошка, пиёз келтирилади.

— Эътиборимизни бозорни чуқур ўрганиш, харидор дидини, эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратганмиз, — дейди кўшма корхона бош директори ўринбосари Виктор Зақитимов. — Ҳозир йили «Star Award Европа — 2002» кўргазмасининг олтин медалига сазовор бўлдик. Бу мукофот корхона маҳсулотларининг юксак сифати ҳамда чидамлилиги учун берилди. Шунингдек, «EMRC Euro Market - 2002» кўргазмасининг Фахрий ёрлиғи корхонага бизнес ва савдодаги эришган ютуқлари учун топширилди.

Қўлга киритилган ютуқлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Шу билан бирга ушбу муваффақиятлар корхона аҳлини янгилик яратишга юртимиз иқтисодиёти ривожига баракали хисса қўшишга ундамоқда. Корхона тadbиркорлари янгидан янги сифатли маҳсулотлар яратиш, миқозларга етказиб бериш ниятида меҳнат қилишмоқда. Зеро, бозорбор, харидоригир маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бугуннинг талабидир. Корхона жамоаси шу эзгу мақсадларни кўзлаб, барча имкониятларидан оқилона фойдаланмоқдалар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: «Вольфсон Шарк Интерпрайзис» кўшма корхонаси иш фаолиятинан лавҳалар. Сергей Любич олган суратлар.

ЖАҲОН САВДО ДАСТУРИ

Тошкентдаги халқаро бизнес марказида «World Trade Net» дастурининг тақдимоти ўтказилди.

— «World Trade Net» кўп томонлама савдо тизими дастури — ахборотларни етказиб бериш, амалий маслаҳатлар ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти(БСТ)га оид саволларга жавоб олиш ҳамда бизнес билан шугулланувчилар талабини қондириш учун мўлжалланган, — деди кўп томонлама савдо тизими бўйича катта маслаҳатчи жаноб Питер Нарай «Туркистон-пресс» мухбирига. — Мазкур лойиҳа БСТ масалалари билан шугулланувчилар билими ва тажрибасини ўз мамлакатларида амалга оширишда қўлланилади. «World Trade Net» кўп томонлама савдо тизими дастури 1998 йилдан бошлаб қирқдан ортиқ, жумладан Африка, Осиё, Марказий Америка ва Шарқий Европа давлатларида ишлаб бoшлaди. Йилдан йилга дастурга аъзо бўлувчилар сони ортиб бoряпти. Дастур мамлакатларда давлат ва хусусий секторни кўлаб-қувватлашга қаратилган.

Ўзбекистонда «World Trade Net» дастурининг қўлланилиши жуда муҳимдир. Дастур орқали ҳамжамият давлатларида савдо соҳасида қандай ўзгаришлар бўлаётганидан хабардор бўлиш мумкин. Чунки, Ўзбекистон ҳозирги кунда Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш тараддудида турибди. Дастурнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, ташкилот доирасида қабул қилинган халқаро шартнома ва меъёрлардан ташқари, у икки томонлама муносабатларга минтақавий доирадаги шартномалар қандай таъсир кўрсатаётганидан хабардор қилади.

Таъкидлаш жоизки, «World Trade Net» кўп томонлама савдо тизими дастури иқтисодий жиҳатдан мамлакатлар савдо-сотиғига, кичик ва ўрта бизнес, кишлоқ хўжалиғи, тиббиёт соҳалари ривожига қўмаклашишда муҳим аҳамият касб этади.

Тошкентда республика давлат патент идораси ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳамкорлигида Патент кооперацияси шартномасига бағишланган семинар ўтказилди.

ПАТЕНТЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бутун дунёда қабул қилинган патент тизими ихтироичига ўзига яратган янгиликлар ва ишланмаларга бўлган монопол эгаллик ҳуқуқининг давлат томонидан муҳофаза қилинишига имкон беради. Аммо у бундай муҳофазани ўз мамлакатда ёки минтақавий патент идорасига кирган бир гуруҳ мамлакатларда олиши мумкин. Янгилик яратувчилар патент тизимидан фойдаланувчилар манфаатларини инобатга олган ҳолда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти раҳнамолигида «Патент кооперацияси тўғрисида»ги шартнома тузилган. Ушбу шартноманинг асосий мақсади ихтироичи бир қанча мамлакатларда патентлаш жараёнини бирварақайда амалга ошириш, талабнома берувчилар ҳамда патент идоралари учун энгиллик яратиш, патентлашнинг самарали ва иқтисодий жиҳатдан арзон бўлишини таъминлашдан иборат.

Ҳозирги кунда патент кооперацияси тўғрисидаги шартномага 118 та мамлакат қўшилган бўлиб, улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. БМТнинг ихтисослашган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг қароргоҳи Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган. Ташкилот томонидан патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома қабул қилинганга қадар ихтироичи ўз ишланмасини бошқа мамлакатга патентлаш ҳамда уни муҳофаза қилиш учун ҳар бир мамлакатга янгидан талабнома топшириши ва кўриб чиқиш жараёнини ўташи лозим эди. Шартнома ушбу жараёнларни энгиллаштирди. Унинг яна бир афзаллиғи, у турли мамлакатлардаги инсонларга янги ихтироларнинг тавсифлари келтирилган ахборотлардан фойдалана олиш имкониятини тезлаштиради. Бу эса иқтисодий тараққиётнинг ўсишини рағбатлантиради.

Шартнома шунингдек мамлакатимиздаги янги ишланмаларнинг яратувчилари учун халқаро интеллектуал мулк бозорига чиқиш, ўз янгиликларини руҳсат этилмаган ҳолда фойдаланишидан ҳимоя қилиш ва уларни тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтиради.

«Туркистон-пресс»



Сергели туманидаги «Баҳор» маҳалласида беш мингдан ортқ ўн бир миллат вакиллари бир оила фарзандларидек эмин-эркин, тинч-осойишта яшаб келмоқдалар.

• БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

МАҲАЛЛААНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ

Албатта маҳалладаги тинчлик-хотиржамликнинг сақланиши, кишиларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатининг мустаҳкамлиги, ободончилик юмушларининг тўла амалга ошиши, катта ишларга қўл урилишида маҳалла оқсоқолининг тартибли иш юритиши катта аҳамиятга эга.

— 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб номланиши боис маҳалламизда анча ибратли юмушлар амалга оширилди, — дейди маҳалла оқсоқоли Ҳаким ака Исроилов. — Аввало маҳалламиз идораси учун «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат хиссадорлик компанияси ўн хоналик бинони ажрати берди. Бу хайрли ишнинг амалга ошишида туман ҳокими Р.Розмухамедовнинг хизматлари катта бўлди.

Маҳалла фаоллари ёрдамида ушбу бинони тўла таъмирдан чиқардик, ҳовлида халқимиз учун гўшт дўкони, сомсахона, новвойхона, кичик ошхона фаолиятини йўлга қўйдик. Ён-атроф асфальт қилиниб, ободонлаштирилди, гулу чечаклар ўтказилди. Шу билан бирга беш хонали шаҳарлараро алоқа боғлаш шохобчасининг ишга тушиши барчани бирдек хурсанд қилиб юборди. Ҳозирда яна маҳалладошлар учун 150 ракамли телефонлаштириш юмушлари амалга оширилмоқда.

Маҳалламизда болалар спортини ривожлантиришда ҳам катта ишлар қилинмоқда. Ўз кучимиз билан бунёд қилинаётган футбол майдончасини болажонларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун яқин кунларда фойдаланишга топширамыз. Ҳозирги кунда ўйинчилар учун спорт кийимлари, копток ва бошқа спорт анжомларини сотиб олиш тадоригини кўряпмиз. Учта жамоатчи мураббий эса болалар билан мунтазам иш олиб боради.

Маҳалла аҳлининг тўй-ҳашамларда, байрамларда фойдаланиши учун 32 жуфт стол-стул жамламаси, идш-товоклар сотиб олдик. Келгусида элу

юрт фаровонлиги, ободонлаштириш йўлида анчагина мақсадларни мўлжаллаб қўйганмиз. Уларни ҳам аста-секин амалга ошириб борамиз.

Маҳалламиз худудидаги 284-мактаб билан ҳам яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Усиб келаятган ёшларни яхши ўқишга, намунали хулқ эгаси бўлишга руҳлантириш мақсадида аълочи ўқувчиларга 50.000 сўм миқдоридagi маҳалла стипендиясини жорий этганмиз. Хар олти ойда 5 нафар энг аълочи ва намунали хулққа эга бўлган ўқувчилар 5000 сўмдан стипендия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Булардан ташқари маҳалламиздаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтож инсонлардан доимо хабардор бўлиб, уларни имкон қадар моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаб турамыз. Яқинда 437 нафар касалманд, қаровга муҳтож кишиларга 399800 сўм миқдорда ёрдам кўрсатилди. Бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Бундан хайрия ишларини амалга оширишимизда маҳалламизда фаолият кўрсатаётган катта-катта корхоналар ва хусусий тadbirkорлар кўмак бермоқдалар. Келгусида яна қатор хайрли режаларни чамалаб қўйганмиз. Мақсадимиз турли миллат вакиллари билан ташкил топган маҳалламизда ҳамisha тинчлик-хотиржамлик, тўкин-сочинлик, дўст-биродарлик ҳукм сурсин. Маҳалларимиз наинки Обод маҳалла йилида, балки доимо озода, тартибли, саранжом-сарийшта, таълим-тарбия ўчоғи бўлиб тураверсин.

Дарҳақиқат, қаерда хотиржамлик-осойишталик ҳукм сурса, ўша ерда кут-барака, фаровонлик бўлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: Сергели туманидаги «Баҳор» маҳалласи фаолиятдан лавҳалар. Тохир Нигматуллин олган суратлар.



• ТАЪЛИМ

ПУХТА БИЛИМ ЭГАЛЛАМОҚДАЛАР

Республикамизда истикомат қилаётган турли миллат вакиллари-нинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришлари, илм-фан сирларини мукамал эгаллаб юрт ривожига ҳисса қўшишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бектемир туманидаги турли миллат вакиллари таълим оладиган Т.Рисқулов номидаги 290-мактабдаги ўқув-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган.

— Мактабимизда 1035 нафар турли миллат вакиллари-нинг фарзандлари бир оила аъзоларидек аҳил-иноқ таълим олмақдалар, — дейди мактаб директори Инна Кузнецова. — Мактабда ўқиш ўзбек, рус ва қозоқ тилларида олиб борилади. Ўқувчиларнинг соғлом, илмли, ватанпарвар, элу юрт қорига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар яратилган. Уларга ўз касбининг билимдонлари бўлган Наталия Напашева, Юсуп Зайнутдинов, Татьяна Рибаква, Шоҳиста Мамасолиева каби 57 нафар малакали ус-

тозлар сабоқ бермоқдалар. Ўқувчиларимиз туман, шаҳар, республика миқёсида ўтказиладиган барча фаол олимпиадалари, кўрик-танловларда катнашиб совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Фарзандларимизнинг соғлом ва бақув ҳолда воя етишларида муҳим омил бўлган спорт билан шуғулланишлари учун мактабимизда футбол, волейбол, стол тенниси, баскетбол, шахмат-шашка тўғрақлари мунтазам фаолият кўрсатади.

— Қозоқ миллий-маданий марказимиз мактаб билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган, — дейди ушбу марказ раиси Убайдулла Серсенбаев. — Республикаимизда ўтадиган барча байрамларга ўқувчилар билан катта тайёргарлик кўра-

миз. Миллий ва қардош халқларимиз куй-қўшиқларидан иборат катта байрам томошаси билан уларда катнашамиз. Шу кунларда хар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган «Олтин куз» фестивалига тайёргарлик кўрмоқдамиз. Болажонларимизнинг катта давраларда эришган муваффақиятлари кишини хурсанд қилади. Хусусан, 2002 йилда бўлиб ўтган «Олтин куз» фестивалининг ғолиби бўлган ўқувчимиз Эрлан Алимқулов қозоқ-ўзбек университетига имтиёзли тарзда-кириш имтихонларисиз қабул қилинди. Учинчи ўринни забт этган қизимиз Динара Қоротаева эса Алмати-га маданий марказ ҳисобидан тайёрлов курсига ўқишга юборилди, худо насиб этса бу йил 1-курсга қабул қилинади. Ниятимиз умримиз давомчилари бўлиш фарзандларимиз хар соҳада билимдон, соғлом, бақувват, бир-бирлари билан дўст-биродар, Ватанини севувчи фидойи инсонлар бўлиб вояга етсинлар.

Шахноза МАҲМУДОВА

Шу азиз Ватан — барчамизники



• ТАДБИРЛАР

НОН АЗИЗ НЕЪМАТ

Нон — азал-азалдан азиз ва мўтабар неъмат ҳисобланади. Нондек азиз бўл деган доно сўз замирида улкан маъно мужассам. Зеро, нон ризқу-рўзимиз, насибамиздир.

Кунни кеча Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Нон — дастурхонимиз кўрки» мавзусида байрам тadbiri бўлиб ўтди. Ёшларнинг нонга ва нон маҳсулотларига бўлган ҳурмати-ни янада ошириш, уни эъзозлашга ўргатиш, ғаллакорлар меҳнатини қадрлаш каби ҳислатларни ёшлар қалбида мужассамлаштиришда хайрли ниятларни кўзлаган ҳолда ташкил этилган тadbирни республика Байналмилал маданият марказининг татар, бошқирд ва рус маданият марказлари ҳамкорликда

ўтказдилар.

Шу кунни қардош миллат вакиллари томонидан тайёрланган турли хил кўри-нишдаги нон ва нон маҳсулотларининг кўрик-танлови, нон маҳсулотлари ўрин олган дастурхон безатиш ва меҳмон кут-тиш миллий маҳоратлари, ғалла ва нон маҳсулотлари акс этирилган расмлар кўргазмаси, иқобана санъати, болажонлар иштирокида асфальтга расм чизиб кўрик-танловлари ўтказилди, турли миллат вакиллари-нинг бадий-ҳаваскорлик жамоалари ижросида бадий чик-ишлар ташкил этилди.

Шунингдек, турли миллатларнинг хаваскор шоирлари ўртасида ҳам танлов ташкил қилинди. Тadbирда Республика Байналмилал

маданият маркази раиси Темир Алимов, татар миллий-маданият маркази раиси Рустам Юсупов ва бошқа маданият марказлари вакиллари сўзга чиқиб йиғилганларни ва иштирокчиларни байрам билан табриқладилар ва ғолибларга эъдалик совғалари топширдилар.

«Нон — дастурхонимиз кўрки» мавзусидаги байрам тadbiri давомида қозоқ-рейсларнинг «Чен-Чун», «Яшлик» татар, бошқирд халқ дастаси, Республика ўқувчи-ёшлар саройининг «Чаман» ракс дастаси ва бошқа кўплаб бадий жамоалар ўз концерт дастурларини намойиш қилдилар. Анъанага айлиб қолган ушбу байрам тadbирини давомида истикомат қилувчи турли миллат ва элат вакиллари иштирок этди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: тadbирдан лавҳалар. Қобулжон Ёқубов олган суратлар.

«ГУЛОЙИМ» ҚЎШИҚЛАРИ ҲУЗУР БАҒИШЛАЙДИ

Куй-қўшиқ сеҳрига мафтун бўлмаган, ундан ором олиб беихтиёр жүр бўлмаган инсон топиламаса керак жаҳонда.

Айниқса хар бир миллатнинг ўз тилида янграган куй-қўшиқнинг завқи бошқача бўлиши сир эмас. Республикаимизда 1999 йилдан бери уйғур миллий-маданий маркази қошида фаолият кўрсатаётган «Гулойим» ансамбли ҳам аллақачон ўз муҳлисларига эга бўлган десак асло янглишмаган бўламиз. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Холис-

хон Қодирова бошчилигидаги ушбу ансамбль ўзининг мумтоз куй-қўшиқлари, дилтортар рақслари билан катта байрамларда, халқ сайилларида мунтазам катнашиб халқ меҳрини қозониб улгурган.

— «Гулойим» ансамблида куй-қўшиқни дилдан севган хаваскор хонандаю-созанда-лар фаолият кўрсатади, — дейди ансамбль раҳбари Холисхон Қодирова. 8-10 ки-

шидан иборат ушбу жамоамиз умумхалқ байрамларида, кўрик-танловларда, фестивалларда иштирок этиб келади. Айниқса Мустақиллик байрамимиз — 1 сентябрда бўладиган тантанаву узоқ вақт ёддан чикмайди. Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида 30-40 миллат вакиллари иштирок этадиган байрам, турли миллий-маданий марказлар қошида фаолият

юритаётган қатор ансамблларнинг чик-ишлари кишига ҳузуру бағишлайди.

«Гулойим» ансамблимиз уйғур миллатининг тили, урф-одатлари, маданиятидан келиб чикқан ҳолда концерт томошаларини тайёрлаб уларнинг ҳамisha жаранглаб, элу юртимизга манзур бўлиши йўлида хизмат қилади. Яқинда Андижонга сафарга отланмоқдамиз. Мақсадимиз миллатдошларимиз, маслақдошларимиз жисмоний меҳнатдан сўнг мазаза қилиб маданий дам олинлар.

(Ўз мухбиримиз)

• ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари турли соҳаларда ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда истикомат қилаётган украинлар ўзбек санъати, маданияти, илм-фани, спорт ривожига ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.



ЯГОНА ОИПАДА

Кунни кеча Юнусобод туманидаги шинам ва файзли «Саксония» қаҳвахонасида Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамда Украина Республикасининг «Славутич» маданият марказининг ташаббуси билан «Маҳалла» — бизнинг оила» номили қизиқарли дўстлик кечаси ўтказилганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Тadbирда «Славутич» маданият маркази аъзолари, «Батькившина» Ўзбекистон — Украина дўстлик жамияти вакиллари, пойтахтдаги турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлик муносабатлари ривожланган маҳаллалар оқсоқоллари, шу атрофдаги «Қашкар» ҳамда «Матонат» маҳаллалари фаоллари ҳамда II жаҳон урушида Украинани фашистлардан озод қилишда иштирок этган фахрийлар қатнашди.

Дўстлик кечасини «Славутич» маданият маркази раиси Николай Зинченко очиб, мар-

казнинг умумий фаолияти, маҳаллалар билан ҳамкорлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

«Матонат» ва «Қашкар» ма-

жамғармаси ҳамда Украина Республикасининг «Славутич» маданият марказининг ташаббуси билан «Маҳалла» — бизнинг оила» номили қизиқарли дўстлик кечаси ўтказилганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Тadbирда сўз олган Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Ақромов, Республика Байналмилал маданият маркази ходими Гликерия Ким, украин ва ўзбек қизи Раёно

халлалари оқсоқоллари Абдулаҳад Ишонов ва Уялон Шокировлар ўз худудларида турли миллатлар тотувлиги, уларнинг урф-одат ва удумларини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаятган ишлар хусусида маълумот беришди.

Тadbирда сўз олган Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Ақромов, Республика Байналмилал маданият маркази ходими Гликерия Ким, украин ва ўзбек қизи Раёно

Лукашевич, 37 йилдан буён шаҳримизда хар иккала миллат вакиллари ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаятган Ада Стадникова ва бошқалар миллатлараро дўстлик ривожланган мамлакатнинг келажаги порлоқ бўлишини таъкидлашиб, «Славутич» маданият марказининг хайрли ташаббусидан бошқа маданият марказлари ҳам ўрнат олишса нур устига нур бўлишини қайд этишди.

Тadbир сўнгида «Славутич» маданият маркази қошидаги ансамбль, Глизер номидаги мусика мактаби ўқувчилари томонидан ижро этилган украин миллий қўшиқ ва рақслари, дўстлик ва ҳамжихатликни улугловчи қўшиқлар даврга узгача файз ва тароват бахш этди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: дўстлик кечасидан лавҳалар. Тохир Нигматуллин олган суратлар.

• НИШОНДОРЛАРИМИЗ

ЕТУК ОЛИМ ВА ФАОЛ ЖАМОАТЧИ

Устоз энг улуг ном. Бу номга сазовор бўлган зот ҳам мўтабардир. Устозлик мақоми ва машаққатли вазибалари ўзгача. Бу машаққат ва масъулиятларнинг самараси эса юксак.

Кунни кеча Низомий номили Тошкент давлат Педагогика университетининг Ўзбек тили ва адабиёти факультети қозоқ тили ва адабиёти бўлими доценти, профессор, кафедра мудири Турдубой Қолдибоев «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Бу юксак нишон профессор Турдубой Қолдибоевнинг таълим соҳаси ривожига қўшган улкан хизматлари учун берилди. Бундан ташқари Т.Қолдибоев ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон «Дўстлик» жамиятининг ижрочи директори ҳамда Республика Қозоқ миллий-маданий маркази раёсатининг аъзоси сифатида иш олиб бормоқда. Дўстлик жамияти ва Республика Қозоқ миллий-маданий марказининг фаолияти ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасида дўстлик ришталарини боғлаш. Бу эса хар иккала халқнинг маданияти, урф-ода-

ти ва маросимларини тубдан ўрганишда катта аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда Т.Қолдибоев халқро оқинлар айтишувининг ташкилотчиси, аини пайтда ҳакамлар ҳайъатининг раиси ҳамдир. Бугунги кунда устоз иш олиб бораётган қозоқ филологияси факультетининг ташкил этилганига ҳам 50 йил тўлди.

Профессор Турдубой Қолдибоевни қўшалоқ байрам билан университет жамоаси ва талаба ёшлар муборакбод этдилар. Заҳматли, аини пайтда шарафли касб соҳибига ҳамisha соғлиқ-саломатлик, ижодий муваффақиятлар тилаб, бу йўлда асло чарчамасликларига тилак билдирдилар.

Нафиса ХАЙДАРОВА,
Низомий номидаги
ТДПУнинг 1-курс талабаси.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб доно бўлар...

• Соғ, саломат бўлиб, роҳатда яшашни истаган киши бир касбга тутилиши, хунар ўрганиши керакдир. Кўркам хулқли болалар ёшлик чоғларидан бошлаб, илму хунар ўрганишга кизиқиб, унинг кераклигини сезадилар. Хунар ўрганиш кўркам хулқларнинг энг улуг ва энг гўзалларидан саналади. Кишига соғ-саломатлик қанчалик керак бўлса, хунар ўрганиш ҳам тинч ва роҳатда умр кечириш учун шунчалик керакдир.

Фарзандлар! Мактабларингизда турли хунар устахоналари ва тўғарақлари бор. Шуларга кириб, усталарингизнинг айтган ва кўрсатганларига диққат қилиб хунар ўрганинг. Мактабни битирганингиздан кейин жуда мохир уста бўлишни истасангиз, юқори хунар мактабларига кириб ишлаб хунар ўрганинг.

Байт:

Гайрат айлаб, эй кўзим,
албатта ўргангил хунар,
Халқимизда бир мақол
борким: "Хунардан — кўп
унар".

• Илмдан қудратроқ куч йўқ, билим билан қуролланган одам энгилмасдир.

• Ҳақиқат, ўрганишда марди майдон бўл! Сенинг қадр-қимматинг — ўз имкониятларингдан тула фойдаланиб ўқишингдир. Эр кишининг иззати, шаъни, текинхўр, ҳамтомқо бўлмаслиқда, фикр ялқовлигидан ҳазар қил.

• Билим ва қудрат иккови — эгизак.

• Билим — барча қулфатларга қалқон.

Байт:

Билмагани сўраб ўрганган — олим,
Орланиб сўрамаган, ўзига золим.

• Эй фарзанд, дилингни илм билан обод қил, илмсиз кишилар билан сўхбат қурма, умрингни беҳуда ўтказма, муваффақиятларингга мағрурланма, ҳасадчиларни уйингга киритма, сийнангни — гина — қудратдан холи тутиб бировга нисбатан гина сақлама. Яхшилик қилишга интиль, яхши кишиларни яхши сўз ва яхши ҳақлар билан сарафроз қил, тарбия таъсир қилмайдиган кишилар билан яқинлик қилмагинки, бўри ёки илон аҳён-аҳёнда зарар етказди, аммо зарари ҳалокатли бўлади.

Биров билан маслаҳатлашадиган бўлсанг ақилда ва доно кишиларни топиб маслаҳатлаш, олийқиммат кишилардан ёрдам сўра. Ҳар бир масалани шу муаммони тушунадиган ва шу мавзуга дахли бор одамлар билан биргаликда ҳал қил, паст ҳиммат кишилардан ҳеч вақт яхшилик ҳосил бўлмайди.

• Ҳар ким отаси ва бобоси кўрган ва билганига қараганда кўпроқ кўриш ва билишга интильмоги лозим.

• Маънавий ҳаётда ҳам амалий ҳаётдагидек, кимки билимга таянсагина тўхтовсиз камол топади ва ютуқларга эришаверади.

• Илм шундай нарсаки, бутун куч сарф этилмаса қўлга кирмайди.

Байт:

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

• Илмсиз инсон — мевасиз даракт.

• Нодонга илм ўргатмоқ умрини зое кетказмоқдир.

• Илм бир ҳазина бўлса, бу ҳазина қалити савол.

• БОЖЖОНА

ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Бугун биз муштарак тақдиримизни, ёруғ истиқболимиз ва раванқимизни бунёд этишдек масъулиятли бир даврни бошдан кечиряпмиз. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни амалга оширишда эса тадбиркорликнинг ўрни бекиёсдир.

Шундай экан, ҳўш пойтахт шаҳримизда тадбиркорлик билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қандай имкониятлар, улар томонидан мамлакатимизга келтирилаётган товар-моддий бойликларни боғжона расмийлаштиришдан ўтказишда қандай қўлайликлар яратилган? Тадбиркорлар томонидан қандай тушунмовчилик ва хатоликлар мавжуд? — каби саволларнинг туғилиши табиий.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбир ана шу мавзуга бағишланди.

Унда юртимиз равнақи йўлида ташкилот иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган йирик фирмалар, корхоналар, ташкилот раҳбарлари ва шу соҳада иш юритаётган масъул ходимлар, тадбиркорлар ҳамда Тошкент шаҳар боғжона бошқармаси раҳбарияти, Давлат солиқ ва мулк қўмитаси, ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар боғжона бошқармаси бошлиғи Т.Рахмонов сўзга чиқиб, жорий йил бошидан бошлаб амалга оширилган ишлар, жумладан Тошкент шаҳрининг йирик саноат зоналарида «Боғжона маслаҳат пунктлари», республикада биринчи бўлиб бошқарма ҳузурида «Боғжона маслаҳат маркази» ташкил этилганлиги, бугунги кунда жами бўлиб 5

ярим мингдан зиёд қабуллар уюштирилганлиги, бошқарма фаолияти ҳудудда «Дилинг-транс», «Атторлик», «Баққоллик», «Тошкент юк саройи», «Кийим» очик турдаги акциядорлик жамиятлари, боғжона оморлари негизда ташкил этилган боғжона терминаллари ва 180 дан ортик боғжона оморлари мавжудлиги ҳақида ҳамда жорий йилдан буён «вақтинчалик сақлаш» режимида 181 миллион АҚШ долларига тенг 4275 тўплам (198870 тонна) товарлар расмийлаштирилиб, 196 миллион АҚШ долларига тенг 4039 тўплам (180122 тонна) товарлар эркин муомалага чиқарилганлиги, шунингдек, «Боғжона оморби» режимида 13 миллион АҚШ долларига тенг 382 товарлар тўплами (18050 тонна) расмийлаштириш билан бир каторда, 13 миллион АҚШ долларидан кўп 244 тўплам товарлар (2946 тонна) ички истеъмол бозорига чиқарилганлиги ҳақида ахборот берди.

Бугунги кунда пойтахт боғжоначилари импорт билан шуғулланаётган йирик фирмалар, ташкилот ва корхоналар ҳамда тадбиркорлар билан учрашувлар ташкиллаштириб, товарларни эркин муомалага чиқаришни тезлаштириш чораларини кўрмоқдалар. Аммо «Гуруч курмаксиз бўлмайди», деганларидек айрим тадбиркорларнинг ўз товарларини турли хил

баҳоналар билан оморларда сақлаш учун белгиланган муддатларни бузиш ҳолатлари ҳам кўрсатилмоқда. Шу йилнинг ўзида бундай ҳолатларнинг 85 таси аниқланиб, иш материаллари судларга юборилган. Суд органлари томонидан қонунбузарларга нисбатан 659 минг сўмлик жарима солиниб, 2 ҳолат бўйича 11,5 миллион сўмлик товар-моддий бойликлари мусодара этилган. Боғжона томонидан эса, 4 ҳолатда 219 минг сўмдан зиёд жарима солинган. Йиғилишда бу ҳақда ҳам алоҳида таъкидланди.

Т.Рахмонов яна тадбиркорлар томонидан йўл қўйилаётган хатоликларга, қачиликларга алоҳида урғу бериб, тадбиркорлар ва бошқа йиғин иштирокчиларининг ушбу масалага диққат-эътиборини қаратди. Бу тадбиркорларнинг ўз лицензияларини Тошкент шаҳар ҳокимиятидан олиб келтираётган товарларини эса пойтахтда эмас, балки қўшни вилоятларда, жумладан, Сирдарё ёки Тошкент вилоятларида расмийлаштиришни одат қилиб олганликларини қатъий таъкидлади.

Маълумки, тадбиркорлик — жамиятимизнинг иқтисодий фаровонлиги, осийишталлиги асоси. Агар у амалдаги қонунқоидаларга риоя қилинса... Тадбиркорликда тадбиркорлар ҳам ўзларини қизиқтирган юқоридаги каби саволлар билан сўзга чиқиб, боғжоначилар билан биргаликда импорт қилинган товарларни тезроқ истеъмолчига етказиб бериш юзасидан умумий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар.

Акбар ХУДОЙҚУЛО
Республика давлат боғжона
қўмитаси матбуот хизмати ходими.

ALLEGRI
ТОШКЕНТДА

Буюк Британиянинг энг нуфузли торли кварталети Allegri биринчи марта Ўзбекистонга келмоқда. Квартет ўзининг эллик йиллик юбилейида Тошкент Давлат консерваториясида ва Самарқанддаги Шердор мадрасасида бепул концертлар уюштиради.

Квартетнинг бугунги иштирокчилари бундан ярим аср илгари тўрт нафар истеъдодли соҳандалар бошлаган аъналарнинг давомчилари бўлиб, улар мумтоз ва романтик камер мусикаларидан иборат бой репертуарга эга.

Жамоага 25 йилдан буён раҳбарлик қилаётган Питер Картер ва унинг сафдошлари Пэл Бэнда, Доротея Фогел ва Рафаэл Тодеслар камер мусикаси бўйича жаҳон тажрибасини кварталга олиб киришаётир. Allegri бугунги кунда ҳам қўллаб мумтоз мусика муҳлислари қалбларини забт этмоқда.


Созандалар Бетховеннинг 17 та квартетидан ташкил топган Туркумни жаҳондаги энг етакчи ансамбллардан ҳам аъло даражада ижро этишади. Шунингдек, улар ўтган эллик йил давомида квартал ва квинтетлардан иборат қўллаб асарларни ижро этишдики, ҳозирда улар камер мусикаси умумжаҳон тан олаган асарларига айланди.

Аллегри ўзининг ярим асрлик тўйини Европа, Шимолий Америка, Жанубий Африка ҳудудлари бўйлаб гастрол сафарлари билан нишонламоқда.

«Экологик тоза пахта заводи» лойиҳасини амалга оширишда Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти олимлари олиб бораётган изланишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Мавзунинг долзарблигини инобатга олиб, республика фан ва технологиялар маркази олий ўқув юртининг меҳнат муҳофазаси кафедрасига олти миллион сўм миқдордаги грант ажратди.

ҲАМ ГРАНТ, ҲАМ
ДИССЕРТАЦИЯ

— Бу грант уч йилга мўлжалланган бўлсада, ҳозирнинг ўзида қатор ижобий натижаларга эришилди, — деди кафедра мудир Очил Қудратов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Чангли ҳавони тозалашга мослаштирилган қурилма устида самарали иш олиб борилди. Сирдарё вилоятидаги «Дўстлик» пахта тозалаш заводи билан тузилган ҳўжалик шартномаси асосида юзага келган бу техник мослама эвазига кафедра 530 минг сўмлик фойда кўрди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, «Экологик тоза пахта заводи» лойиҳаси доирасида бажарилаётган ишлар «Пахта ва пилани дастлабки ишлаш корхоналарида ҳавони тозалашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва ҳавфсиз иш шартини яратиш» мавзусидаги докторлик диссертациясида атрофлича таҳлил қилиб берилди.



Олтин куз манзаралари.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

АЁЛЛАРНИ
УЛУҒЛАГАН
МУСАВВИР

Ўзбекистон Бадиий академиясининг замонавий санъат марказида мусаввир, фахрий академик Маннон Саидов хотирасига бағишланган кўргазма очилди.

М.Саидов кўнгина ижтимоий-тарихий воқеаларга бағишланган асарлар муаллифидир. Ўзбек рассомлари орасида у каби аёллар ҳаёти ва нафосатига бағишлаб кўп асар яратган ижодкор кам топилади. Жумладан, унинг «Узум узийш», «Нур сари», «Дугоналар», «Каттақўрғонлик пахтакорлар», «Бригадир», «Тонг», «Оила» сингари асарларида ўзбек аёллари ҳаётини нақадар чуқур ҳис қилиши, уларнинг меҳнати ва турмуш тарзидан қанчалик завқ-шавққа тўлиши сезилиб туради. Мусаввир яратган картиналар ўзбек тасвирий санъатида картина жанри тараққиётида катта аҳамият касб этиши билан бирга уларда миллийлигимизнинг ўзига хос жиҳатлари ечимини топган.

— Маннон ака билан ярим аср бирга яшадик, — деди мусаввир рафикаси Нафиса Мансурхонова «Туркистон-пресс» мухбирига. — У ўз асарларида ўзбек аёлларининг гўзал образларини яратган санъаткор бўлиши билан бирга меҳрибон ота ва ажойиб инсон эди. Биз уч фарзанд тарбияладик.

Таъкидлш жоизки, М.Саидов асарлари республика мизининг қўллаб музейлари ва хусусий тўпламлардан муносиб ўрин олган. Санъат ихлосмандлари кўргазмадан рассомнинг саксондан зиёд асарлари билан танишишлари мумкин.

«Туркистон-пресс»

Мушфа олам

ҲАҚИҚАТИ

Баҳор чоғлари гул-чечаклар хонадонимизга янада кўркамлик, фусункорлик бахш этади. Айримлар нима учундир уйда гул етиштиришни исташмайдилар. Лекин хонаки гуллар уй ҳавосини намлантириб, тоза-лаб, фитонцид моддаси билан таъминлайди. Айниқса ёрон-гул, кактус, алоэ ўсимликларининг бу борадаги аҳамияти катта.

Газандаўт пашшаларни ҳайдовчи гиёҳ ҳисобланади. Ундан таралаётган эфир мойи кунянинг ҳам кушандасидир. Ўсимликлардан ажралаётган углекислота хонада ҳаддан зиёд кўпайиб кетади, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Мутахассисларнинг тадқиқотида кўра хонадаги 20 та ўсимлик бир одамдан 30 баробар кам углекислота ажратар экан. Тўғри, бунда ўткир буй таратувчи гулларни кечкурун ётоқхонадан олиб бошқа жойга қўйиш тавсия этилади.

ЧЕЧАКЛАР МАЛИКАСИ

Атиргул ҳақидаги дастлабки маълумотлар қадимий ҳинд манбаларида учрайди. Лекин чечаклар маликаси — атиргулнинг асли ватани Эрон ҳисобланади. Эътибор берган бўлсангиз шеърятимизда «гул» сўзи қўлланилганда аввало атиргул тушунилади. Умар Ҳайём, Саъдий, Низомийлар эса ўз ғазалларида атиргулни катта эҳтиром ила тилга оладилар. Умуман олганда эронликлар барча гуллардан атиргулни афзал билдилар. Шунингдек унинг кўпдан кўп турини завқ билан етиштирадилар. Ҳиндистонга гуллар маликаси XVI асрда буюк бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан келтирилган.

Боғдаги бир бутада икки юзга яқин гунчалар бўлса, айримлари масалан, «хитой» атиргули эса йилига атиги икки марта гуллайди. «Олтин уйку», «Кувонч», «Минг париваш...» номларини эшитган заҳотиёқ дилингиз яйраб кетади-я.

«ЧАНГДА ҚОЛГАН»

Кейинги пайтда идоралар, иш юритиш хоналарида кўркам пальма ўсимлигини ўстириш расм бўлди. Устига устак уч чидамли, на ёруғликка, температурага ва на озодаликка нисбатан «инжиқ» эмас. Шуниси эътиборга лойиқки, зарарку-нанда хашаротлар унга кўп ҳам ҳужум қилавермайди.

Пальмани кенгроқ тувакка уч қисм бўз тупроқ, бир қисм ҳас-ҳазон ва ярим қисм кумга ўтказиш яхши натижа беради. Агар уни бошқа тувакка ўтказмоқчи бўлсангиз бу ишни апрель ойида баҳарганингиз маъқул. Ўсимликни тез-тез ва кўп миқдордаги сув билан сувортиш керак.

“САҲНА САРДОРИ”

Ўзбек миллий академик театрида Ўзбекистон қаҳрамони, халқ артисти Зикир Муҳаммаджоновнинг ижодий фаолиятига бағишланган “Саҳна сардори” китобининг тақдими ўтказилди.

Миллий театр санъати ҳақида гап кетганда, унинг тараққиёти ва тақомилида муҳим ўрин тутган улуг санъаткорлар бирма-бир тилга олинади. Аброр Хидоят, Олим Ҳўжаев, Шукур Бурхоновдек устозлар сабоғини олиб саҳна сирларидан воқиф бўлган кейинги авлод вакиллари ҳам бугун миллий театр даргаларига айланишди. Зикир Муҳаммаджонов шу авлод вакиллари олдидинги сафида турувчи санъаткорлардан саналади. 1938 йилда санъат даргоҳига илк қадамини қўйган Зикир Муҳаммаджонов ҳаётининг олтимиш йилдан зиёдини саҳнага бағишлади. У шу давр ичиде бетақдор образлар яратди. Санъаткор яратган образларнинг аксарияти миллий театримизнинг фахри бўлиб қолди.

Санъаткорнинг ўзбек театрининг ривожига қўшган ҳиссаси ҳуқуқимиз томонидан юқори баҳола-ниб, Мустақилликнинг ўн икки йиллиги арафасида унга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилди. Профессор Ҳафиз Абдусаматовнинг “Саҳна сардори” асари санъаткорнинг санъатимиз ривожига йўл-даргаларига айланишди. Зикир Муҳаммаджонов шу авлод вакиллари олдидинги сафида турувчи санъаткорлардан саналади. 1938 йилда санъат даргоҳига илк қадамини қўйган Зикир Муҳаммаджонов ҳаётининг олтимиш йилдан зиёдини саҳнага бағишлади. У шу давр ичиде бетақдор образлар яратди. Санъаткор яратган образларнинг аксарияти миллий театримизнинг фахри бўлиб қолди.

Тадбирда сўзга чиққанлар санъаткорнинг ижод йўли кўпчилик ёшлар учун ўзига хос мактаб бўлишини алоҳида қайд этишди. Санъаткор ижодининг солномаси бўлган ушбу китоб эса, маданият, санъат соҳасида таълим олаётган ёшлар, умуман санъат илҳомландирарига муносиб тўхфа бўлди.

«Туркистон-пресс»

• АНЖУМАНЛАР

Оила — инсоният давомийлигини таъминловчи жамиятнинг ўта нозик ва қимматли ҳалқаси. Зеро унинг бағрида миллат эртаси, юрт истиқболи, насл давомчиси бўлган фарзанд камол топади. Шу туғайли ҳам оиланинг бош муддао ва мақсади, бурчи ва вазифаси фарзанд саломатлиги ва унинг тарбиясидир. Фарзанднинг ҳам жисмонан, ҳам маънан етук бўлиб воғга етишида, аввало, унинг саломатлиги ва оиладаги руҳий муҳит катта аҳамият касб этади. Бу эса бўлажак ота-оналардан тўқис саломатлик, маънавий баркамолликни талаб этади.



МУҚАДДАС ВАТАН

Ҳўш, фарзандни ҳар жиҳатдан етук инсон қилиб воғга етказиш учун ота-она нима-ларга аҳамият бермоғи керак? Оила аъзоларининг саломатлигини таъминлаш, хусусан барча касалликлар ибтидоси бўлмиш камқонликнинг олдини олиш учун қандай чораларни қўллаш аҳамиятлидир? «Камолот» ЕИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси ва ҳомийлиги остида Перинатал, Нийоҳ ва оила маросимлари марказлари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Оила — муқаддас Ватан» ёш оила қурувчилар мактабининг 10-машғулотли оила қуриш арафасида турган ёшларга юқоридаги саволларга жавоб топишда амалий кўмак берди, десак хато бўлмайди. «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида бўлиб ўтган бу анжуманга таш-

риф буюрган малакали мутахассислар, жумладан, Тошкент Перинатал маркази раҳбари Марям Содиқова, Республика «Оила» марказининг катта илмий ходими Феруза Акрамова, «Меҳри» аёллар уюшмаси раиси Наима Ҳолмуҳамедова, шунингдек, кўпни кўрган она-хонлар бўлажак оталар ва оналарга фарзанд тарбияси, оилада соғлом руҳий муҳитни шакллантириш, камқонликнинг олдини олиш борасида маслаҳатлар, тавсиялар берад эканлар, фарзанднинг қандай инсон бўлиб воғга етиши ота-онанинг сазъ-ҳаракатлирига, оиладаги муҳитга боғлиқлигини таъкидлаб ўтишди.

Дарҳақиқат, оила — фарзанд учун тарбиянинг бош мактаби, ибрат маскани, ота-она эса илк ва асосий тарбиячилардир. Анжуманда таъкид-

Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида республика Фанлар академиясининг Тарих институти ҳамда Голландиянинг Амстердам ижтимоий институти ҳамкорлигида «Шарқда ёшлар ҳаракати» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Қайси бир мамлакатда ёшлар ҳаракати пайдо бўлмаса, уларнинг вакиллари доимо жамиятда тенглик ва адолатнинг таъминла-нишини тарғиб қилишган. Улар мамлакатда турли ўзгаришлар, янгиликларнинг содир бўлиши учун турли соҳаларда ислохотларнинг амалга оширилиши тарафдори бўлишган.

Халқаро анжуманда тарихчи олимлар, тадқиқотчилар шарқда ана шундай ҳаракатларнинг юзага келиши, уларнинг жаҳон бўйлаб ёйилиши, ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр алмашдилар. Анжуманда сўзга чиққанлар тадбир тарих фани соҳасида халқаро илмий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлашди. Олимлар ёшлар ҳаракати тарихи, уларнинг асосий мақсадлари, ҳаракат дастурларини қиёсий таҳлил қилиб, бу йўналишда олиб борилаётган илмий изланишлар, тадқиқотлар натижалари билан ўртоқлашдиши.

Хорижлик мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур анжуман жуда долзарб мавзуга бағишланган. Чунки ҳар бир мамлакат тарихида ёшлар ҳаракати муҳим ўрин эгаллайди. Қолаверса, ёшлар доимо ўзига хос ўзгаришлар тарафдори бўлишган. Хозирда ғарбда шарқшунослик жуда ривожлангани каби, шарқда ҳам ғарб тарихига бўлган қизиқиш ниҳоятда катта. Лекин шарқ мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари бироз суст. Мазкур анжуман шарқ мамлакатлари тарихчиларининг ўзаро алоқаларини йўлга қўйиб, ҳамкорлик қилишлари учун қўлай имкониятдир.

Ўзбекистонлик олимлар анжуманда хорижлик тадқиқотчилар билан келажақда илмий изланишларни амалга ошириш, ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш, мутахассислар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш масалаларини муҳокама қилишди. Бу эса тарих фани соҳасида жаҳон миқёсида қўлга киритилган ютуқлар билан танишиш имконини беради.

тилгач, унинг илк тарбиячилари — ота-онадир. Фарзанд воғга етар экан ота-онасидан ибрат олиб яшайди. Шу туғайли оилада ўзаро меҳр-оқибат, осойишталик, аҳиллик ва то-тўвлик ҳўкм сурса, фарзанд ҳам ана шу фазилатларни ўзи-да мужассам этади. Негаки одамга болаликдан сингдирилган одатлар уч билан бирга ўсади, воғга етади ва унинг таркибий қисмига айланади.

Анжуман давомида ёшларга берилган бу каби маслаҳатлар уларнинг келгусида ибратли бир оилани шакллантиришида, етук фарзандларни тарбиялашда катта аҳамият касб этишига шубҳа йўқ.

Дилдора МЕЙЛИЕВА СУРАТЛАРДА: «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.

• САЛОМАТЛИК

МАРКАЗГА ИНСТИТУТ МАҚОМИ БЕРИЛДИ

Республика Миллий реабилитация марказининг фаолият доираси кенгайиб бормоқда. Бу ерда турли тоифадаги ногиронларни малакали даволаш усуллари ҳам жорий этилмоқда.

Марказий Осиёда ягона бўлган бу саломатлик даргоҳи томонидан ўтказилаётган илмий кузатиш ишлари ҳам самарали бўлмоқда. Бу каби кўп қиррали изланишлари инноват олиниб, марказга ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий соғломлаштириш илмий-тектириш институти мақоми берилди.

Истикбол режасига кўра бу ерда бемор ва ногиронларнинг тиббий-ижтимоий, касбий реабилитацияси ҳамда қатор муаммолари бўйича кузатишлар кўнг йўлга қўйилмоқда.

Унинг клиник шифхонаси эса 150 нафар кишига мўлжалланди.

Анвар ВАЛИЕВ

• САҲЪАТ

Куй ва қўшиқ неча асрларки, инсонлар қалбига бир олам кувонч бахш этиб келаётган, ҳис ва ҳаяжонга солаётган сирли ва сеҳрли оханграбодир.

ҚЎШИҚ ҚУЙГА УЛАНДИ

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида эстрада мусикаси концерти бўлиб ўтди. «Биг Бэнд» эстрада оркестри томонидан ташкил этилган концертда «Биг Бэнд» учун пьеса, «Увертюра», «Фотима», «Қалбимда», «Сарбон»,

«Ҳижрон», «Ҳеч ким ёлғиз қолмасин» каби куй ва қўшиқлар ижро этилди. Шунингдек концертда Ю.Тураев, А.Назарьян, И.Азаренко, Р.Фозиев, О.Абдуллаев каби бир қанча иктидорли санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

СПОРТ

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ДАДИЛ ГАЛАБАЛАРИ

Тожикистон пойтахтида давом этаётган V Марказий Осиё уйинларида эркин курашчиларимиз навбатдаги медалларни қўлга киритди. Ҳамюртларимиз А.Очилов 55 килограмм, М.Ибрагимов эса 96 килограмм вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, Марказий Осиё уйинларининг олтин медалига сазовор бўлди. 2003 йилги жаҳон чемпиони Д.Мансуров ҳам 60 килограмм вазн бўйича мусобақаларнинг тенгсиз курашчиси эканини исботлади.

66 килограммга вакилимиз П.Ўраимбетов ва 84 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан М.Ғажилатов кумуш медал билан кифояланди.

Марказий Осиё уйинлари дастуридан теннис баҳсларининг аёллар беллашувида Ўзбекистоннинг иккинчи рақамли теннисчиси О.Омонмуродова Р.Аминани /Қозоғистон/ 6:2, 6:3 ҳисобида мағлуб этди.

Теннис бўйича 2003 йил Осиё чемпионатида тажрибали теннисчиларни мағлубиятга учратган М.Иноятов ҳам Марказий Осиё уйинларидаги илк галабасини нишонлади. У қозоғистонлик И.Дўстқороев билан баҳсда 6:2, 6:2 ҳисобида зафар кучди.

Ҳозирга қадар Ўзбекистон терма жамоаси Марказий Осиё уйинларида жами йигирма бешта - 9 олтин, 11 кумуш ва 5 бронза медалга эришди.

ЎзА

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ ОМАДЛИ КУНИ

Мамлакат XII миллий чемпионатининг 27-тур беллашувлари пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар «Пахтакор» ва «Трактор»га муҳим очколарни ҳада қилди. Аввало сафарда «Насаф» билан беллашган пахтакорчиларга галаба қозониш зарур эди. Шу босими, ушбу учрашув тезкор, ҳужумкор ва комбинацион ҳолатларга бой келди. Ҳар иккала жамоа майдонга галаба учун тушганликларини исботлашди. Мехмонлардан Анвар Солиев томонидан 5-дақиқада киритилган тўп уйин охиригача ягоналигича қолди. Турнир жадвалининг куйи погоналаридан бирини эгаллаб турган «Трактор» эса ўз майдонига Муборакнинг «Машъал» жамоасини қабул қилиб, очигини айтиш керак анча сермазмун уйин кўрсатди. Тенг курашлар остида ўтган беллашув 3:2 ҳисобида тракторчиларнинг галабаси билан якунланди.

Рақиблар дарвозасига голлари «Трактор»дан Саидахоров, Соломин, Жапаркулов, «Машъал»дан Боев, Бобоевлар йўллашди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди.

«Бухоро» — «Сурхон» — 4:1,
«Андижон» — «Цементчи» — 4:0,
«Кўкчи» — «Дўстлик» 2:1,
«Нефтчи» — «Қизилқум» 1:1, «Навбахор» — «Гулистон» 2:1, «Самарқанд-Динамо» — «Металлург» — 4:0.


Навбатдаги 28-тур баҳслари 22 октябрда бўлиб ўтади.

(Ўз муҳбиримиз)

ШАХМАТ ОЛАМИДА

ФАРОЙИБ РҲҲАТНОМА

Гагадаги қироллик кутубхонасида дунёдаги энг йирки шахмат адабиёти тўпламлари йиғилган. У таниқли голланд муаммоси Намейнинг шахмат кутубхонасидаги 1000 дан кўпроқ, тарихчи Антоний Ван Дер Плендининг 800 та ва бошқа кўплаб ноёб шахмат китобларидан иборат. 1972 йилда қироллик кутубхонаси томонидан қачонлардир босиб чиқарилган шахмат адабиётлари рўйхатнома-



МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КҮРНИ

- 1) Икки юришда мот.
- 2) Уч юришда мот.

си нашр этилган. У шу ондаёқ кам учрайдиган дунёдаги ноёб асарга айланди.


КИНОДА АКС ЭТТИРДИ

Француз рассоми Альдеркес Пиктир 1470 йилда Таби ибодатхонаси деворларини безатаётиб, ажал билан шахмат ўйнаётган киши тасвирланган расмни яратди. Швед кинорежиссёри Ингмарнинг айтишича, шу расм уни «Еттинчи муҳр» фильмида рицарнинг ўлим билан шахмат ўйнаётган пайтини акс эттиришга ундаган экан.

НОДОН ТОМОША-БИН

Шахмат мавзуйдаги ягона масал XVIII аср немис шоири Ф.Геллерте қаламига мансуб. «Маймун» деб номланган бу масалада у 64 катакли тахтада баҳс юритаётган рақибларга қандай юриш қилишни айтиб турган нодон томошабинлар устидан кулади.

Анвар ИНОҚОВ, шахмат шарҳловчиси



МОЗИЙ

КЎЗГУДА АКС ЭТГАН...

Халқимизда ўтмишсиз келажак бўлмайди, деган нақл бор. Дарҳақиқат, боболаримиздан қолган юрт тарихини билиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Айниқса, Темурийлар тарихи давлат музейининг ташкил этилиши, йилдан йилга унинг ноёб экспонатлар билан бойиб бориши нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижликларни ҳам шод этмоқда.

Шуни айтиш керакки, Амир Темури давлатининг тузилиши, буюк саркарданнинг ҳарбий санъати асрлар давомида Шарқ ва Ғарб учун намуна бўлиб келди. XV асрда Францияда унинг шарафига «Европа халоскорига» деган ёзувлар битилган олтин ҳайкал ясалганлиги ҳам бежиз эмас.

Соҳибқирон Амир Темури салтанати даврида маданият, илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусика, шэрият юқори чўққиларга кўтарилди, халқимизнинг анъаналари ва урф-одатлари шаклланиб борди. Бу ривож-

ланиш Европада Уйғониш даврига кучли таъсир кўрсатиб, умумжаҳон ривожланиш ҳаракатига ўз хиссасини қўшди.

Музейимиз экспозициясидан археология, этнография, нумизматика ёдгорликлари, қўлёзмалар, тасвирий санъат намуналари жой олган, — дейди Темурийлар тарихи Давлат музейининг «Маънавият ва маърифат» бўлими раҳбари Лобар Йўлдошева. — Шунингдек, «Темури тузуқлари»дан келтирилган иборалар экспонатларни мазмунан бойитган. Айтиш жоизки, музей фондини ва

экспозициясини бойитишда музейга ташриф буюраётган меҳмонларнинг ва Республикаимиз фуқароларининг хиссаси ҳам каттадир.

Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистонимизга ташриф буюраётган чет эллик меҳмонларда музей катта таассурот қолдирмоқда. Буни уларнинг музейдаги фахрий меҳмонлар учун қўйилган китобга битилган самимий дил сўзларидан ангадиз.

Юлдаз УСМОН СУРАТЛАРДА: Темурийлар тарихи Давлат музейидаги ноёб экспонатлар.

Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг масъул ходими Ҳадича Саломовна Атаматованинг падали бузуқвор

АБДУСОЛОМ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқлар Дўстлиги саройи жамоаси ушбу сарой директори Собир Аминович Нуриддиновга отаси

Аминҷон НУРИДДИНОВНИНГ'

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш» трести жамоаси трест бошқарувчиси ўринбосари Маҳамат Аҳматович Раҳматовга отаси

Аҳмат РАҲМАТОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқлар Дўстлиги саройи жамоаси ушбу сарой директори Баҳодир Раҳимжонович Авазовга отаси

Раҳимжон АВАЗОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; факс — 133-28-95, 133-11-39, факс — (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усунди босилди. 3871 нусxada босилди. Қонғ бегини А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўйхатта

Нашрни таскиб бериш масаласи бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёзи «Тошкент пошта» — 133-74-05 телефонга мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқаровчиси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.